

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ



2011/1

ISSN 2010-5320

KUCH-BILIM VA TAFAKKURDA



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фуломов А.Ф., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. 112-б.
2. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш., Махмудов К. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 2008.
3. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1984.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Восточная литература РАН, 2001.

Резюме

В статье рассматриваются арабские конструкции, встречающиеся в произведении А.Навои “Насоимул мухаббат”, выполняющие функции дополнения.

Resume

This article is learned definition of Arabian construction in work “Nisaymul muhabbat” by A.Navoi, making the function of addition.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ ВА ФАТИК МУЛОҚОТ

Г.АҲМЕДОВА, ТДПУ тадқоқотчиси

Инсонларнинг шахсий тажрибалари, фикр бойликлари, ижодий салоҳиятлари, интеллектуал қудратлари, предмет мазмунига таъсир эта олишлари, сўзнинг таъсирчан қудратини илғай олишлари, руҳиятидаги ўхшашлик ва бошқа воситалар асосида танишларга фикр билдиришлари булар - мулоқот юритиш фаолиятидир.

Ҳазрати Румийнинг таъкидлашича: “Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. У баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарсасўз эмас, балки уларнинг иккаласида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир”, - деган фикрлар мавжуд. Кишилиқнинг олами ўн саккиз минг рангдан иборат жуда катта бир уммонки, уни охиригача тадқиқ қилиш қийин.

Ишбилармонлик мулоқотида унинг ҳамма қатнашчилари бўйсунадиган маълум этикет мавжуд.

Ишбилармонлик этикети икки йўналишда – вертикал ва горизонтал шаклда қўриб чиқилади.

Вертикал йўналиш – раҳбар ва унинг қўл остидагиларнинг муносабати даражасини аниқлайдиган хулқ меъёрлари.

Горизонтал йўналиш – статуси жиҳатидан тенг бир жамоа аъзолари ўртасидаги мулоқот соҳаси бўйича ҳаракат қилувчи хулқ меъёрлари.

Лекин биринчи ва иккинчи йўналишга умумий талаб – шахсий симпатия ва антипатияларига қарамай, иш бўйича ҳамкасблар, шерикларга хайрихоҳ ва огоҳлантирувчи муносабат илгари сурилади.

Ўзбек адабий тилининг қуйидаги функционал услублардан ташкил топиши айти ҳақиқат:

1. Сўзлашув услуби;
2. Бадиий услуб;
3. Илмий услуб;
4. Публицистик услуб;
5. Расмий услуб.

Ушбу услублар ичида жамиятга хизмат қилиши жиҳатидан энг фаол ҳисоблангани сўзлашув услубидир.

Сўзлашув услуби икки асосий турга ажратилади: **адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби.**

Адабий сўзлашув услуби тилнинг адабий меъёрларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан тавсифланади. Мазкур услуб жаргон ва шева элементлари кабилардан ҳоли бўлади.

Оддий сўзлашув услубида бетакаллуфлик ва эркин мулоқот ўзига хос хусусият ҳисобланади. Унда оғзаки нутққа оид эмоционаллик сезилиб туради. Оддий сўзлашув услубида тилнинг адабий меъёрларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик хусусиятлар ҳам кузатилади.

Сўзлашув услуби қатор мулоқот турларига эгалити билан бошқа услублардан фарк қилади. Шу ўринда мулоқот нима? ва у қандай турларга эга? деган савол туғилади.

Мулоқот – кишилар ўртасидан муносабатнинг шундай турики, унда ҳар бир инсонга хос билим, тажриба, фикр, ахборот алмашинади. Айти жараёнда иштирокчиларнинг санъаткорлиги, ақлан нималарга қодирлиги аён бўлади. Демак, **мулоқот малакаси** – энг муъжизавий ва энг инсоний қобилиятлардан бири бўлиб, табиатнинг бу ажойиб, ноёб тухфасидан биз доимо фойдаланиб туришга шунчалик ўрганганмизки, айти вақтда унинг қанчалик мураккаб ва «сирли» эканлигини сезмаймиз.

Инсонда фикр туғилса, уни бошқа инсонга етказиш учун сўзларни талаффуз қилади. Шуниси **қизиқки**, инсон овози таъсирида пайдо бўлган акустик тўлқин ўзида фикрларни ва туйғуларни ифодалайди, бошқа инсоннинг сезгисига (эшитишига) етиб боради ва натижада жамики фикр ҳамда **ҳечинмалар** ўша инсонга тушунарли бўлади, у уларнинг яширин мазмун ва моҳиятини англайди¹.

Хуллас, мулоқот – кишилараро интеллектуал-руҳий алоқа жараёнининг мураккаб ҳолисасидир. У инсонлар ҳулқининг ўзига хосликлари билан, лисоний бирликларнинг, нутқ воситаларининг қўлланилиши билан, билим, тажриба, ахборот билан маълум вазиятга мос ҳолда ишлатиладиган муайян турлари билан белгиланади.

Ўзбек тили сўзлашув услубида мулоқотнинг мазмуни, мақсади ҳамда воситаларига кўра қуйидаги турлари фаоллик кўрсатади:

1. *Фатик мулоқот*
2. *Ахборот мулоқоти*
3. *Вербал ва невербал мулоқот*

¹ Қаранг: Мельник В.В. Искусство доказывания в состязательном уголовном процессе. –М., 2000.

4. *Шахслараро, гуруҳий ва оммавий мулоқот*
5. *Контакт ва дистант мулоқот*
6. *Расмий ва норасмий мулоқот*
7. *Профессионал (касбий) ва маиший мулоқот*
8. *Бевосита ва бавосита мулоқот*
9. *Оғзаки ва ёзма мулоқот*
10. *Диалогик-монологик мулоқот.*

Ушбу мулоқот турлари ичида энг кенг тарқалгани ва жуда муҳим ўрин тутгани *фатик¹ мулоқотдир*. *Фатик мулоқот* мулоқотнинг шундай турики, мазкур жараёнда суҳбатдошлар ўзаро алоқани - мулоқотни маъқуллайдилар. Масалан, *Хўш-хўш яна нима дейсиз!* Бунда коммуникантлар мулоқот қатнашчиси сифатида бир-бирларига диққат-этиборларини қаратадилар ёки уни тўхтатадилар. Масалан, *Ажабо! Ким экан, у аллома?* (О.Ёкубов).

Фатик мулоқот лингвистлар, социолингвистлар, паралингвистлар Р.О.Якобсон, Н.Д.Арутюнова, Т.Г.Винокур ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган. Мазкур мулоқот кишиларнинг когнитив, эмоционал фаолияти билан боғлиқ ҳолда илмий тадқиқ қилинган. Фатик мулоқот маиший ҳаётнинг муҳим йўналтирувчи воситаси сифатида ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шунга кўра, Г.Г.Винокур “Айнан фатик мулоқот норасмий, лекин ижодкорлик соҳасида кишиларни аксиологик қадриятга эга бўлган тил шахси сифатида кўрсатади”,² - дейди.

Фатик мулоқот учун махсус нуткий этикетлар мавжуд. Бу этикетлар – мулоқотнинг жамият томонидан белгиланган, суҳбатдошларнинг танланган вазиятлардаги нуткий муносабатини маъқуллаовчи, бир-бирларига нисбатан расмий ва норасмий шароитда уларнинг ижтимоий вазифаларига мос ўзгармас формулалар (қолиплар, шакллар) тизимидан ташкил топади.

«Русский язык» номли энциклопедияда «*фатик мулоқот*» (*ёки алоқа ўрнатувчи*) деган термин биринчи марта инглиз этнографи Б.Малиновский томонидан мақсади умумий бўлган муносабатларни оддий, қўшалик ҳолатда сўзларни диалогларда, суҳбатларда қўллашга нисбатан киритилган эди. У «*фатик мулоқот*» деганда, нутқнинг шундай хилма-хиллигини тушунадики, бу киши табиатининг ўзигагина хос бўлган одамлар билан умумий муомала қилишга интилишни яратишида ифодаланиб, баъзан оддий сўз алмашувга ўхшаб кетади. Мулоқот қатнашчилари учрашув ёки хайрлашувда этикет формулалари билан фикр алмашар эканлар, шу асос орқали ўзлари ораларидаги «*мулойим*» алоқани ё қўллаб-қувватлашлари, ё тўхтатишларини таъкидлайдилар. Кишилараро мулоқот жараёнида муносабат вазиятларининг алоҳида моментлари, коммуникация қатнашчиларининг маданиятлилиқ даражалари, жинслари, ёшлари, танишлилиқ ва қариндошлиқ даражаларига оид мулойим сўзли ифодалари жуда муҳим роль ўйнайди. Шубҳасизки, тилнинг асосий мўлжалланганлиги – унинг коммуникация воситаси, атроф-олам ҳақидаги фикрлари ва билимларини шакллантирувчи ва истакларни

¹ Фатик – латинча *fatuus* бўлиб, аҳмоқ деган маънони билдиради. *Фатик мулоқот* - мулоқот жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида коммуникатив воситаларгина қўлланиладиган бир оз мазмунсиз турдаги мулоқотдир.

² Винокур Г.Г. Русский язык. Учебное пособие. –М., 1989

билдириш воситаси, шунингдек, бундай фикр ва тушунчаларни йиғиш ва сақлаш воситаси бўлиши таъкидланади.

Инсонга ҳар доим қандайдир шаклда мулоқотга киришиш (суҳбатдошга жавоб қайтариш, уни қўллаб-қувватлаш, ўзи ҳақида эслатиш ва ҳоказо), суҳбатни тамомлаш (хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш) эҳтиёжи зарур. Шунинг учун ҳам алоқа ўрнатиш фақат *«Ассалому алайкум»* ва *«Хайр»* каби этикет шакллариининг алмашинувидангина иборат эмас.

Фатик мулоқот воситалари, шакллари, бирликлари фикр алмашишга, мулоқот мулоқотга (масалан, *Сиздан миннатдорман, Миннатдорчилик керак эмас*) тайёргарликни ифодалашга имкон беради. Бу ҳолда уларга айрим техник воситалар, ахборот узатиш шароити, адресат билан алоқа ўрнатиш имкониятлари, сўзлашув унсурлари - умумадабий метъёрлардан чекинишга ўхшаш омиллар таъсир этади.

Фатик мулоқотнинг махсус кўринишлари, «шакллари» мавжуд. Улар сўзловчининг суҳбатдошга мурожаати, унинг диққатини тортиш, саломлашиш, танишиш, хайрлашиш, кечирим сўраш, миннатдорчилик билдириш, табриклаш, таклиф, илтимос қилиш, маъқуллаш, норозилик билдириш, маслаҳат бериш, комплимент қилиш каби жараёнларда намоён бўлади. Киёсланг, *Авф этинг, валинеъмат! Бефаросат инингизни авф этинг.* (О.Ёкубов). Бундай ҳолларда сўзловчининг овоз оҳанги (тони) ўзига хос бўлиб, у муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда *расмий, норасмий, бетараф (нейтрал), фамиляр, дабдабали* ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Яна киёсланг: *Майли, улар билан ўзимиз гаплашиб оламиз, - деди Карташов кулиб* (С.Зуннунова).

Ўқитувчилар томонидан фойдаланиладиган фатик мулоқот турлари ичиди баъзилари одатдаги доимий (масалан: *-Илтимос, -бир савоб қилгин, -Раҳмат*), баъзилари эса доимий бўлмаган индивидуал (масалан: *-Кани, -Қани-қани, Хўш-хўш, Чоршанбагача*) ҳисобланади. Мазкур нутқий воситаларнинг эмоционал бўёғи ҳам ўқувчиларга яхши таниш бўлади.

Педагоглар таълим олувчилар билан фикр алмашувида фатик мулоқотнинг нафақат одатдаги доимий шаклларида, балки у ёки бу жамоада юзага келган *ноанъанавий шаклларида* ҳам фойдаланади. Масалан, ўқитувчининг мактаб байрамларидаги учрашувда қўлланиладиган *«Ассалому алайкум! Келинг, марҳамат»* каби мулоқот кўринишлари юқорида қайд этилган мулоқотдан фарқ қилади.

Фатик мулоқот – нутқий алоқага (контактга) асосан мувофиклик-суҳбатдош билан нутқий ва ижтимоий муносабатларни маъқуллашдан, уларга йўналтиришдан иборат. Бунда *фатик* мулоқот тушуниш, қўллаш, ҳис қилиш, яъни умуман, мулоқот қилиш эҳтиёжини қондиришга мўлжалланади. Бу турга оддий *маиший нутқ, эзмалик* ва бошқа кўринишдаги нутқий этикетлар киради: *Ох, марварид томчилар! Баҳор ёмғирлари. Қанийди ҳамма ёмғирлар сиздайин ҳаётбахш бўлса!* (Ж.Раззоқов).

Сўзловчининг фикрича, масалан, унинг эмоционал ҳолатини тушунишлари мақсадида, нотаниш кишилар билан эринибгина мулоқотга киришади. Бундай мулоқот жамият ҳаётининг энг муҳим йўналтирувчиси сифатида атрофдагиларни ўзига яқинлаштирувчи, уларни ўз доирасига тортувчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур мулоқот турини кўпинча бошқарувчи (йўналтирувчи), деб номланади. Фатик мулоқотнинг типик вазиятларида -

меҳмонда, масалан, одамлар об-ҳаво, сиёсат, спорт ҳақида гапирганларида буларнинг ҳаммаси алоҳида янгиликни айтиш учун эмас, балки оддий умумийликни маъқуллаш мақсадида ишлатилади. Бу ўринда мазкур доирада амал қилинадиган нутқий хулқ қоидалари, мулоимлик руҳи, суҳбатдошнинг кўнглига қараш қадрланади. Албатта, ҳар бир фатик матнда мантикий ахборот бериш мазмуни ҳам бўлади. Кўп ҳолларда мулоқот матнларининг ҳам ахборот, ҳам фатик маъно барабар қўлланадиган аралаш типлари мавжуд.

Нутқда конфликтсиз фатик мулоқотнинг муҳим тамойиллари бўлиб ҳамкорлик, мулоимлик, таъсир ва ўзаро таъсир ҳисобланади: *Офарин! Бор йўлингдан қолма, азизим, шояд шоир Унсурий каби улуг мартабаларга мушарраф бўлсанг.* (О.Ёқубов).

Аслида биз суҳбатдошта: *Кимни кўряпман ёки Сизни кўрар кун бор экан. Сизни кўрар эканман-ку!* деганда – мазмуний жиҳатдан айнан кишининг кимни кўргани ҳақида билимлар билан алмашиш мақсади йўқ. Бу фақат: Мен сени биламан, мен кутилмаган учрашувдан хурсандман, бизнинг муносабатларимиз эркин ва табиий ва ҳоказо маъноларни ифодалайди. Лекин биз ишхонадаги бошлиғимиз ёки қарияга *Кимни кўряпман*, деб бақира олмаймиз-ку! *«Қандай шамол учирди?»* саволига биз унинг қандай шамол учирганига жавобини эшитишни кутмаймиз ҳам, фақат мақсад олдингидай алоқа ўрнатиш, умумий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, муомала маданиятини ривожлантириш кишиларнинг исталган ниятларини самарали ҳал қилиш воситаси экан, уни қандай даражада олиб бориш гапирувчиларнинг интеллектуал тайёргарчилиги, тилдан фойдаланиш маҳорати, саводлилиқ даражасига боғлиқ бўлиб, муҳим иншбилармонлик талбирлари нутқий қолипларнинг вазифаларидан етарлича фойдаланиш асосида қатъийлашати, турмушда ўз ўрнини топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мельник В.В. Искусство доказывания в состязательном уголовном процессе. –М., 2000.
2. Винокур Г.Г. Русский язык. Учебное пособие. –М., 1989.
3. Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. –Ростов на-Дону: Феникс, 2005.
4. Плещенко Т.П., Федотова Н.В., Чечет Р.Г. Стилистика и культура речи: Учебное пособие / Плещенко Т.П., Федотова Н.В., Чечет Р.Г.; под ред. П.П.Шубы. – Минск: Тетра Системс, 2001.

Резюме

Данная статья посвящена разговорному стилю – его видам и особенно важному и активному фатическому общению, раскрываются особенности его применения в разговорной речи.

Resume

This article is devoted to conversation stile – its kind and especially to important communicative association. Peculiarities of communicative association and its usage in conversation are opened in the work.

САНЪАТ ВА ЧИЗМАЧИЛИК

Муҳитдинова Р.	Хор аранжировкасини ўрганиш поғоналари	81
Тожиев Ж.	Таълим жараёнида фалсафий тафаккур маданиятини шакллантириш	85

ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ФИЛОЛОГИЯСИ

Абзалова М.	Арабий ибораларнинг тўлдирувчи амалида қўлланилиши	89
Аҳмедова Г.	Сўзлашув услуби ва фатик мулоқот	91
Эшчанова Г.	Бадииятда гедонизмнинг намоён бўлиш хусусиятлари	96

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАҲЛАР

Иззетова Э.	Идеалы гуманизма – ценностные ориентиры социального и духовного развития	99
-------------	---	----

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ, ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ

Фарафонтон О.	Определение валидных, надежных тестов, характеризующих степень здоровья студентов	105
---------------	--	-----

РОМАН-ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИ

Кадырова Н.	О понятии концепт и некоторых подходах и методах их исследования	110
-------------	---	-----

ДЕФЕКТОЛОГИЯ

Абидова Н.	Кўришда нуқсонли бўлган болалар нутқининг хусусиятлари талқини	115
------------	---	-----

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР МИНБАРИ

Авезова Л.	Исследования в области диалектизмов	119
Юнусова Х.	Модернистские течения на рубеже XX века	123
Абдуллаева О.	Академик лицейларин педагогик бошқаришнинг баъзи масалалари	126

МОНОГРАФИЯЛАРГА ТАҚРИЗЛАР

Юсупов У.К.	Рецензия на монографию Г.Т.Махкамовой «Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка»	130
-------------	---	-----